

# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 48 (1112) • 2016-yil, 18-noyabr, juma

## Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беринг!



### ➤ СИЁСИЙ ҲУҚУВ

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда ҳамда сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида партия манфаатларини кўзлаб, сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши ўстидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг кузатувчилари институти муҳим ўрин тутаяди.

### Партия кузатувчилари ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлида

Партиянинг ҳар бир кузатувчисидан, аввало, сайлов қонунчилигидан тўлиқ хабардор бўлиши, сайловда ва сайлов куни партия манфаатларини қонуни доирасида ҳимоя қила олиши, юқори даражадаги билим ва салоҳиятни намоён қилиши талаб этилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий сайлов штаби партия кузатувчиларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида иштирок этувчи партия кузатувчиларига сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, кузатувчининг ҳуқуқий мақоми, ваколати ҳамда фаолият юритиш тартиби ҳақида тушуниришни асосий вазифаларидан, деб билади.

Жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий сайлов штаби ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги қошидаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия кузатувчиларининг муносиб иштироки» мавзусида ўтказилган онлайн ўқув-семинардан қўзланган мақсад ҳам ана шу вазифанинг ижроси билан боғлиқ бўлди.

Онлайн-семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги мутахассислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда ОАВ вакиллари, шунингдек, видеоконференцалоқа воситалари орқали барча ҳудудларнинг вилоят, туман, шаҳар партия кенгаши раислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни билан танишиб боровчи партия кузатувчилари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, партия Марказий сайлов штаби раҳбари А.Раҳмонов кириш сўзи билан очиб берар экан, сайловнинг умумийлик ва тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, адолатлилик, эркинлик, ошқоралик каби демократик тамойилларга риоя этилишини таъминлашда кузатувчиларнинг, айниқса, сиёсий партиялар кузатувчиларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

## Наримон Умаровнинг Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

Мамлакатимизда 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир олдида сайловолди ташвиқоти қизгин тус олган шу кунларда Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан ҳудудларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлар партиялараро сиёсий рақобат муҳитида давом этмоқда.

Шубҳасиз, Президент сайловида халқ юрт тараққиётининг келгуси босқичларини ўз иродасига муносиб тарзда йўналтиради. Ҳозирда ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ҳар бир сайловчи давлат раҳбари бўлишга муносиб, халқпарвар номзодни танлаш учун интилоқда. Бу жараёнда ҳар бир номзоднинг меҳнат фаолияти, сайловолди дастури, раҳ-

барлик қобилияти, инсоний фазилатлари, доим халқ дарди билан яшаб, унинг қувончу ташвишларини ўзиники деб билишга қодирлиги, Ватан равнақи учун юксак фидойилик намунасини кўрсата олиши юртдошларимизнинг диққат марказида бўлмоқда. Зеро, қайси бир номзод давлат раҳбари бўлишда катта масъулиятни зиммасига олишини халқ танлар экан,

унинг адолат билан иш тутишига бўлган ишонч юртдошларимизда ҳозирданок шаклланиб, мустақамланиб бориши зарур. Негаки, бу ишонч сайловолди ташвиқот тадбирларининг самарасини белгилайди. Сайлов кампаниясининг муҳим босқичи — ташвиқот тадбирлари доирасида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Президентликка

кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари сайловчилари билан учрашувлари ҳам бошқа ҳудудларда бўлгани сингари видеоконференция тарзда ташкил этилиб, вилоятлардаги барча шаҳар ва туманлардан минглаб сайловчилар очик мулоқотларда фаол қатнашдилар.

### ➤ ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтади. Бугунги кунда сайлов кампанияси қизгин паллага кирди.

## Сайловлар

давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим демократик институтидир

Унинг самараси кўп жihatдан фуқароларнинг фаолиятига боғлиқ. Зеро, сайловлар, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш, келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш, ўзимиз онгли равишда танлаган муносиб номзод орқали жамият ва давлатни бошқариш демократидир.

Фуқароларнинг умум-этирофи этилган энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири бу сайлов ҳуқуқидир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, ҳуқуқий тизим босқич-ма-босқич модернизация қилиниши натижасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилди. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмок-

да. Бунда Конституциямиз ва қонуларда умумэтироф этилган меъёрлар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик тамойиллари мустақамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», деб мустақамланган.

## Инновацион иқтисодиёт — барқарор ривожланиш омили

### ➤ ПАРЛАМЕНТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг «Инновациялар ва инновацион фаолиятни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, турли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот

воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мамлакатнинг келажак инновацион иқтисодиётида эканлигини ўзининг Сайловолди дастурида эътироф этиб келади. Зеро, партия модернизацияга асосланган

янги иқтисодиёт ва инновацион технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўйишнинг алоҳида таъкидлар экан, буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш, давлатнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш имкониятини беришига оид ғояни илгари суриб келмоқда. Эътиборлиси, айнан мазкур ғоя «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастуридан ҳам ўрин олган.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатнинг демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — деди фракция раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.Умаров ўз кириш сўзида.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2016

4 декабрь ЯКШАНБА

15 кун қолди



## Сайловолди ташвиқоти партия сайлов штабларининг масъулиятини кучайтормоқда

### ➤ САЙЛОВ — 2016

Шу кунларда сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш ишлари қизгин суръатларда давом эттирилмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Президентликка кўрсатилган номзод — Наримон Умаров илгари суратган таклиф ва ғоялар, номзоднинг сайловолди дастурини кенг тарғиб қилиш, умуман олганда, Президент сайловиغا пухта ҳозирлик кўриш, сайловолди ташвиқотини юқори даражада юритиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий сайлов штаби аъзолари билан суҳбатлашдик.







# Партия номзодининг ишончли вакиллари сайловчилар ҳузурда

## Фуқаролар билдирган таклифлар биз учун жуда муҳим

Урганч туманида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясида кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Икром Абдуллаевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда туман фаоллари, корхона ва муассасалар, нодавлат ношикор ташкилотлари ходимлари ҳамда тиббиёт, таълим соҳаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Учрашуви вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Раҳимбой Латипов кириш сўзи билан очди.

Сайловолди ташвиқот тадбирлари орасида фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиш, партия номзоди ва унинг дастурини сайловчиларга самимий суҳбат, савол-жавоб асносида тушунтириш, шу билан бирга, жойларда мавжуд масалалар юзасидан фикрлашиш муҳим ўрин тутди.

Сайлов кампанияси фуқароларнинг фаол иштирокида давом этаётган шу кунларда Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

тарзда экологик таъсирини юмшатиш вазифалари ҳам акс этадимми? — Экология мазмунан кенг тушулган, экологик муаммоларнинг ҳам бир катор кўринишлари бор, — деди саволга жавобан И.Абдуллаев. — Шундан



И.Абдуллаев сайловчиларни партия номзодининг таржimai холи ва сайловолди дастури билан таништирди. — Партиямиз номзодининг Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловидида иштироки партия ҳаётида муҳим воқелик, сиёсий майдонда соғлом рақобат ва кураш асносида кўпчилиكنинг овозига эга бўлиш имконияти кийин эмас, — деди И.Абдуллаев. — Шу билан бирга, сайлов кампаниясини юқори ташкилий-сиёсий даражада ўтказиш оркали партия нуфузини ошириш, социал-демократия тарафдорлари сафини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Наримон Умаровнинг инсон манфа-

ган саволларга батафсил жавоб берди. — Партия номзодининг меҳнат фаолияти билан танишиб, Наримон Умаровнинг экология соҳасида катта тажрибага эга эканини билдик. Вилоятимиз Орол денгизига яқин ҳудуд эканини назарда тутсақ, денгиз қуриши билан боғлиқ экологик муаммолар бизни ҳам ўйлантиришини тушуниш кийин эмас, — деди Урганч туманидаги "Мевазор" маҳалласи маслаҳатчиси Дурдишоша Тоирова. — Номзодининг дастурида экология йўналишида алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш ҳақида кайд этилган. Ушбу дастурда Орол денгизининг виллоятимиз ҳудудига турли

келиб чиқиб, бу борада номзод таклиф этаётган чора-тадбирлар дастурида республикамизнинг барча ҳудудларидаги экологик масалаларни камраб олиш, улар юзасидан аниқ вазифаларни белгилашга эътибор қаратилади. Албатта, бу борада сайловчилар билдирган таклифлар ҳам биз учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Учрашувда партия фаоллари фикр-мулоҳаза билдириб, Наримон Умаров номзодини кўллаб-қувватлашга чакирдилар. Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Раъно Вафоева, жумладан шундай деди: — Наримон Умаров-

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

## Ижтимоий эҳтиёжлар дастурда ўз аксини топган



Фарғона шаҳридаги 4-сонли мусиқа ва санъат мактабида Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Маруфжон Холдаров сайловчилар билан учрашди. Очiq ва жонли мулоқот руҳида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, талаба-ёшлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, депутатлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

М.Холдаров ўз маърузасида партия номзоди Н.Умаровнинг сайловолди дастурида илгари сурилаган чора-тадбирлар ҳақида батафсил тушулганча бериб ўтди. Сайловчилар дастурдан ўрин олган хар бир йўналиш ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларни диққат билан тингладилар. Очiq мулоқот асносида фуқаролар дастурдан келиб чиқиб, ўзларини кизиқтирган жиҳатлар хусусида саволлар бериб, керакли маълумотларга эга бўдилар.

Партия фаолларидан Фарғона шаҳар алоқа касб-хунар коллежи директори Умида Раҳмонова, тадбиркор Шаҳноза Ганиеванинг номзод ва унинг дастурини кўллаб-қувватлашга чакириб билдирган мулоҳазалари ҳам кўпчиликти ҳайрихоҳлик уйғотди. Тадбирда қатнашган ёшлардан Мафтуна Якубова, Наргиза Умарова ва бошқалар ишончли вакилга сайлов конунчилиги хусусида саволлар бериб, керакли маълумотларга эга бўдилар.

Партия номзодининг дастури содда ва тушунарлиги, халқчилиги билан эътиборини тортди, — дейди биз билан суҳбатда учрашув иштирокчиси, Фарғона шаҳар 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилором Юнусова. — Унда илгари сурилган таклифлар орасида ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналарни ўйлантириб келатган бир масалага ҳам эътибор берилган. Аввало, фарзандларимиз соғлиги хар нарсадан муҳим эканини таъкидлаш жониз. Синфга кириб дарс бошлар эканмиз, нафакат ўқувчиларнинг дарста тайёрлиги, кийиниши, одоби, балки соғлигига ҳам синчковлик билан қараймиз. Соғлиғида бирор муаммо пайдо бўлган ўқувчининг дарс давомида безовталаниши, синфга бўлса ҳам дарста кўнгидагидек қатнаша олмаслиги тайин. Шундай пайтда мактаб биносининг ўзида тиббий хизмат кўрсатишининг йўлга қўйилган бўлиши хар томонлама қудайлик туғдиради. Наримон Умаровнинг дастуридан шу ҳаётий масала ҳам ўрин олганлиги ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эҳтиёжларига жуда мос келади. Шу билан бирга, таълим соҳасини янада ривожлантириш, педагог-муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш, ўқитувчилик касби нуфузини ошириш каби таклифлари биз, ўқитувчиларни янада руҳлантириб юборди.

Ишончли вакил билан бўлиб ўтган учрашув сайловчиларнинг сиёсий билимларини янада оширишга хизмат қилди ва савол-жавобларга бой ўтди.

Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Мамлакатимизда амалга оширилаган кенг кўламли ислохотларда, сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан уюқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш устувор вазифалардандир.

Юртимиз аҳолисининг катта қисmini ёшлар ташкил қилишини назарда тутсақ, уларнинг сиёсий жараёнларда, хусусан, 4 декабрда ўтказилган Президент сайловида фаол қатнашини нақадар муҳим эканини яққол англаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ 18 ёшга тўлган хар бир фуқаро Президент сайловида қатнашади. Албатта, ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган хар бир ёш конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, сайловда жиддий масъулият билан иштирок этади ва ўз муносиб деб билган номзодга овоз беради.

## СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ёшлар фаоллик кўрсатмоқда

мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонуларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишларини олиб боришни назарда тутди.

Айни кунларда тарғибот тадбирлари даври суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, оммавий ахборот воситалари оркали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материаллари тайёрлаш ва улардан фойдаланиш оркали амалга оширилмоқда.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар доирасида аҳолининг барча қатлами, хориздаги юрдошларимиз қамраб олинмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати,

Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Байналмилал маданият маркази, фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ижтимоий шерикликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаолигини янада ошириш мақсадида турли акциялар ўтказмоқда.

Хусусан, ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

"Менин овозим — Ватаним келажиги" акцияси навқирон авлодининг сайловга мустақил ва онгли

муносабатини шакллантиришга хизмат қилаётди. Акция доирасида ўтказилаётган "Келажигим учун овоз бераман", "Мен биринчи марта овоз бераман!", "Менин овозим аҳамиятга эга!", "Сайлаш — менин ҳуқуқим", "Мен сайловда фаол иштирок этаман!", "Бизнинг оиламизда хар биримиз ўз овозимизга эгамиз", "Мен сайловга тайёрман!" мавзуларидаги тарғибот тадбирлари ёшлар, айниқса, биринчи марта сайловда қатнашадиган фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга ҳисса қўшаётди.

Барно КАМОЛОВА, Чилонзор тумани 3-сонли ДНИ катта нотариуси, Ғолибжон ХОЛБОВЕВ, нотариус

## «Vuxoro Best Realtor» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очiq аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдолари Когон шаҳар ҳокимиятининг 2016 йил 22 июлдаги 417-сонли ва 2015 йил 16 декабрдаги 630-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 27 июлдаги 145а-сонли буйруғига асосан Когон шаҳар "Адолат" МФЙ, "Адолат" кўчаси ҳудудидан яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган 400,0 кв.метрдан иборат 2 та (2,7-сонли) ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари такроран қўйилмоқда. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг хар бирининг бошланғич баҳоси 966 348 сўмдан.

қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш охириг муддати 2016 йил 20 декабр ҳақида соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари 2016 йил 21 декабр кунни соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4 қаватдаги савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур ер участкалари 2016 йил 21 декабр кунни ўтказиладиган очiq аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 28 декабр ҳамда 2017 йилнинг 04.11 ва 18 январь кунлари соат 12:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдолари учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олдин-сотдин шартномасини тузиши ҳамда олдин-сотдин шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юқлатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг

бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдориди зақалат пулиларини тўлашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нухасини, хорижий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нухасини, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга булган шахслар — яшаш гувоҳномаси нухаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этишлари сўралади. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини савдо кунига қалар "VUXORO BEST REALTOR" масъулияти чекланган жамиятининг "Савдогар" банк Бухоро филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ҳ/р: 20208000900483347001, МФО 00112, СТИР 303086230. Қўшимча маълумотлар билан танишиш ва буюртманомаларни қабул қилиш манзил: Мустақиллик кўчаси 10-уй, тел: (0365) 221 53 16 www.realtor-company.uz





АДОЛАТ

ЭРКИНЛИК

БИРДАМЛИК



НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



2016 йил 16 ноябрда

Fitch Ratings

халқаро  
рейтинг агентлиги«Асака»  
акциядорлик  
тижорат банкинингхалқаро кредит рейтингини  
кўтарди ва истиқболини«**БАРҚАРОР**»

деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

Fitch Ratings

халқаро рейтинг  
агентлиги 2016 йил 16-ноябрда«Агробанк»  
акциядорлик тижорат банкининг  
халқаро рейтингини«**Барқарор**»

деб баҳолади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоом ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.



Таҳрир хайъати:

Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавҳар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖўРАЕВТошўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Алишер ШОДМОНОВ  
Шухрат ЯКУБОВПартия турмуши ва парламент фаолияти бўлими —  
288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144);  
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);  
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;  
Реклама бўлими — 288-42-14 (144)Навбатчи муҳаррир — Суюндик Маширов  
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани  
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatgzi.uz adolatgzi-95@mail.ruГазета «Узбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги» томонидан 0018 рақами билан  
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп  
этилади. Корхона манзили: Тошкент  
шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Қўғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма  
табоқ. Офсет усулида босилган.  
Буюртма Г — 1100. Адади — 7777  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Босишга топширилади — 19.30

Баҳоси келишган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



1 2 3 4 5 6